



«Биз янги аср, янги минг йилликка қадам қўйдик. Янги юз йилликнинг биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олдинда турган вазифаларни нечоғли адо этишимизга боғлиқ. Биз жамиятни янгилаш, ислохотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ-равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз. Бу дастурнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан унинг бугун жамиятимиз, ҳар биримизнинг асосий ишмизга айланишига боғлиқ».

Ислом КАРИМОВ.

● Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

МАНЗИЛГА ЕТМОҚ ОСОН ЭМАС...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатда ўтказилаётган ислохотларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этар экан, эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида батафсил тўхталди.

Давлатимиз раҳбари томонидан йиғилишда қатъий равишда қўйилган баъзи муаммоларга газетхонларнинг эътиборини қаратмоқчимиз.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакат иқтисодийнинг асосий бўлини эканлиги барчамизга маълум. Ушбу соҳа фаолияти тўғрисида гапирар экан, Президент 2000 йил деҳқонликнинг учун оғир келганлигини, сув танқислиги ва қўрғоқчилик туфайли ҳўжаликлар катта зарар кўрганлигини таъкидлаб, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича кўрилган зарар 16 миллиард сўмни, Хоразм вилояти бўйича эса 11 миллиард сўмни ташкил этганини қайд этди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳукумат зарар кўрган ҳўжаликларнинг 41 миллиард сўмга яқин қарзларини истисно тариқасида кечиб юбориш бўйича қарор қабул қилди. Бугунги кунда ана шу омиллардан келиб чиқиб, зарур иқтисодий, молиявий шарт-шароитларни яратиш, қийин келиши қўйлаётган 2001 йил ҳосили учун барча агротехника тадбирларини самарали ўтказишга тайёргарлик кўриш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазيري Туроб Холтеев ҳамда вазир ўринбосари Абдурахим Жалоловлар эса бу соҳадаги аҳоил тўғрисида статистик ва бошқа маълумотлар билан чегараландилар. Ислом Каримов маърузачилардан аниқ жавоблар кутаётганлигини ва асосийси, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракат қилиш лозимлигини айтиб, 90 фоиздан зиёд ҳосил сугориладиган ерлардан олиншини, шу сабабли ирригация ва мелиорация масалаларига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Таҳлиллар сугориладиган ерларнинг қарийб ярми мелиоратив аҳоилни яхшилаш талаб этаётганлигини кўрсатмоқда. Ички ҳўжалик тармоқларини тозалаш, ёпиқ горизонтал дренажларни қайта тиклаш ишлари қониқарсиз олиб борилаётди. Аксарият насос станцияларининг ишлаш мuddати аллақачон тугаган. Мелиорация соҳаси хорижий сармояларни жалб этиш, суви иқтисод қилувчи янги технологияларни жорий қилиш ишлари олиб борилаётди. Бунинг қиммат ва қай тарзда бажариши керак, деган савол туғилади. Ишларнинг бундай бориши ҳосилдор ерларнинг қамайишига олиб келади. Шу сабабли 2001—2005 йиллар ҳамда 2010 йилгача ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қисқа ва узок мuddатли дастур ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ислом Каримов иқтисодий ислох қилиш жараёнининг муҳим томонларидан бири бўлган республиканинг ҳар бир туманида хориж сармоясини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар барпо этиш дастурини амалга ошириш масаласига ҳам тўхталди. Мазкур дастур маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиш, янги ишчи ўринларини очиниш кўзда тулади. Ҳўш, ушбу дастур қандай бажарилмоқда?

2000 йилда ташкил этилган 152 та қўшма корхонанинг 74 таси мамлакат пойтахтида барпо этилган. Қўпгина туманларимизда улар умуман йўқ. Ҳўқимликлар ҳамда тегишли тармок ва идоралар бунга масъулиятсизлик билан ёндашиб, уларнинг ўрнига ишни бошқалар бажаришини кўтишмоқда. Президентнинг қайд этишича, барпо этилган қўшма корхоналар ҳам четдан келтириладиган хом-ашё ва бутловчи қисмлар ҳисобига ишлашмоқда. Ушбу қўшма корхоналар раҳбарлари эса валюта сарфланаётганлиги, ишлаб чиқариш харажатлари қамаймаётганлиги ҳусусида бошларини

оғритишмайди. Нима учун улар маҳаллий хом-ашёдан маҳсулот тайёрлашни, уни рақобатбардош қилишни ўйлашмайди. Бизда ҳали ишсизлик, ички бозорни импорт ўрини босувчи товарлар билан тўлдириш каби муаммолар мавжуд.

Шу сабабли қўшма корхона очинишдан олдин унинг таъсисчилари ушбу масалаларни пухта ўйлаб чиқишлари лозим.

Шу ўринда юртимизнинг хом-ашё, захира ва товарлар бозори ҳусусида тўхталаш лозим. Бир қарашда ҳамма нарса эркин, маблаг бор, фақат сотиб олинса басдай туюлади. Бироқ Президентимизнинг таъбири билан айтганда, улгуржи ва биржа савдосининг нотўғри тизими вужудга келган бўлиб, унда битимлар эскидан қолган давлат таъминоти тамойиллари асосида олиб боришмоқда. Яъни нархлар, моддий ресурслар ва бутловчи қисмлар олдиндан сотувчи ва харидор ўртасида тақсимланиб, харидорда танлов ҳуқуқи қолмаптир. Бунинг устига барча захиралар Тошкент биржасида жамланган. Қўпгина битимлар савдо секцияларида эмас, балки ундан ташқарида амалга оширилмоқда. Бугун товар-хон-ашё биржалари қайтадан ташкиллаштиришни талаб этмоқда. Яқин кунларда ҳукумат ушбу масалани кўриб чиқиб, «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар киритиш ҳусусида Олий Мажлисга ўз тақлифларини кирити-лади.

Шунингдек, Ислом Каримов валюта сиёсатини эркинлаштириш борасидаги ишлар изчил амалга оширилаётганлигини таъкидлаб, айна пайтда жорий амалиётлар бўйича тўлиқ конвертацияга ўтиш учун зарур шароитлар яратиш устида иш кетаётганлигини айтиди. Италияда ушбу жараён фақатгина 1992 йилда тўлиқ амалга оширилди. Етарли заҳирага эга бўлмағи туғриб, бу ишни бир-данамга амалга ошириб бўлмайди, чунки ҳисоб-китобларга кўра қамида 2 миллиард доллар маблаг зарур, таъкидлади Президент. Акс ҳолда, миллий валютимиз қадрсизланиб, иқтисодий танглик вужудга келиши мумкин.

Инвестиция сиёсати бўйича Вазирлар Маҳкамасига Марказий ва бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда банкларнинг инвестиция фаолиятини уларга солиқ имтиёзларини бериш йўли билан рағбатлантириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқишни жадаллаштириш топширилди. Халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда банклар таркибида лойиҳавий молиялаш бўйича махсус бўлинмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўларди, деди давлатимиз раҳбари.

Бунга барча асос бор. Чунки пухта ўйланган депозит сиёсатини ўтказиш туфайли банкларнинг кредит захиралари ўсиб бормоқда. Айтиш жоизки, ссуда сармояларни асосан кичик ва ҳусусий бизнес соҳасига йўналтирилади. Бунга микрокредитлар дастури самарали амалга оширилаётган Тошкент вилоятини мисол тариқасида келтириш мумкин. 2000 йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 341 миллион сўмлик 1070 дан зиёд кредит ажратилган. Уларнинг аксарият қисми чорва, уруғлик, кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, ярим фабрикалар, қишлоқ ҳўжалик техникаси ва жиҳозларини сотиб олиш учун деҳқон ва фермер ҳўжаликларига берилди. Бундан икки тарафлама фойда олиш мумкин. Тадбиркорлар ўз бизнесини қанчалик кенгайтирсалар, банклар шунча даромад олишади.

Хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиция шароитларини яратиш масаласи ҳам муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Яқинда Тошкентда Ўзбекистон бозорига фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар билан биргаликда анжуман ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, унда мамлакатимизга келадиган сармоялар оқимида тўққинчи қилувчи омиллар масаласи бўйича муаммолар муҳокама этилади.

Президент ўз нутқида 2001 йил ва яқин истиқболда мамлакат иқтисодий-тини ислох этиш вазифаларини аниқ белгилаб, ҳозир ҳар қачонгидан ҳам қулайлиқлар бўлган ишончин мустаҳкамлашимиз зарурлигини билдирди. Биз қўзлаган мақсадимизга албатта эришамиз, фақат ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро бу ишга масъулият билан ёндашиши лозим, деди Ислом Каримов.

«Туркистон-пресс».

ШАРТНОМАГА БЕПИСАНДЛИК-ҚОНУНЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК

билан баробар, — дейди Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Қўчқор ТОҒАЕВ

Шартномаларни тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш иқтисодий ислох этиш тизимида, айниса қишлоқ жойларда энг заиф бўлиб қолмоқда, — деди Юрбощимиз ўз маърузасида.

Ҳақиқатан ҳам бугун ислохотлар жараёнида иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳато-камчиликларга нисбатан мурасасизлик муҳитини вужудга келтириш муҳимдир. Ҳусусан, бозор муносабатларини шартнома мажбуриятларисиз тасаввур этиб бўлмаслиги Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида алоҳида уқитиб ўтилди. Шунга қарамай шартномаларни ҳўжақўрсинга тузиш, мажбуриятларга беписандлик билан қараш ҳоллари юз бермоқда. Бу эса ўз навбатида томонлар ўртасида ишонсизлиқни келтириб чиқармоқда. Айрим жамоаларда бозор муносабатларини боши берк кўчага кириштиб қўймоқда. Ба-шарти шартнома ҳуқуқий ҳўжат ҳисобланар экан, унга амал қилмаслик қонунга риоя этмаслик сифатида баҳоланиб, кескин чоралар кўриш вақти этиб келма-димми?

— Чиндан ҳам шартнома бозор муносабатларини ҳаракатга келтирувчи куч, у барча тоифадаги муқдорларни иқтисодий равишга, жамият ривожини йўлгадаги ҳақдорлигини қонуний фойдасидир. Қонунга эса ҳамма жойда амал қилиниши керак. Шундай эмасми?

— Эътиборингизни қуйидаги рақамларга жалб этмоқчиман. Адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги 222та қишлоқ ҳўжалик корхонаси ва ҳўжалик йортувчи субъектларида ички ва ташқи шартномалар қай тарзда тузилгани ўрганиб чиқилди. Қарангиз, текшириш жараёнида 250 миллион сўмлик 55та ташқи ва 66 миллион сўмлик 384та ички шартнома қонун талабларига риоя этилмадиган тузилганлиги аниқланди. Натижада умумий баҳоси 316 миллион сўмликдан зиёд 409 та шартнома қайта тузилди. Қонун талаблари нега бош-данок бузилган деган савол туғилади. Жавоб аниқ: жойларда ҳўқуқий саводхонлик даражаси паст. Бу ҳўжалик раҳбарлари, фермерлар ёки пудратчиларга бирдек тааллуқли. Баъзан эса томонлардан бири ўз манфаатини кўзлаб мажбуриятлардан қочишга ҳаракат қилади.

— Қўчқор ака, шундай, ҳолларда қонун ўз кучини

кўрсатаётими? Яъни, судлар қонунбузарларга нисбатан тегишли чораларни қўллашаётими?

— Албатта, биргина ўтган йили 80 та ташқи шартнома (289 миллион сўмликдан зиёд) мuddатда бажарилмаганлиги учун даъво аризалари қўзғатилиб, вилоят ҳўжалик судига топширилди. Урта шартнома бўйича 1 миллион сўмликдан ортиқ дебитор қарзлар ихтиёрий ундирилди. 31та талабнома қарздор ташкилотларга юборилди. Шунинг алоҳида таъкидлашим лозимки, Адлия бошқармасига шартнома мажбуриятларига риоя этилишини қўлайитириш мақса-дида фермерлар ва оилавий пудратчилар номидан ҳўжа-лик судига даъво аризалари киритиш ҳўқуқи берилган. Энди фермер ёки пудратчи ҳўжалик судига йўл тополмайди деган ширкат раҳба-ри каттиқ янгилашди. Фа-катгина ўтган йили Адлия бошқармаси улар номидан 200та даъво аризаси қўзғаб, судларда қўриб чиқишини таъминлади.

Жумладан, Челақ туманидаги «Фирдавс» фермер ҳўжалиги «Катта-турк» жамоа ҳўжалигига топширган дон учун ҳисоб-китоб қилинмай келинаётганлиги аниқланиб даъво аризаси қўзғатилди.

Натижада суд қарори би-лан фермер ҳисобига 495

минг 850 сўм асосий қарз ва 49 минг 585 сўм пеня ундирилди. Пахтачи туманидаги «Қоранайман» фермер ҳўжалиги манфаатини кўзлаб жавобгар — «Зарафшон» жамоа ҳўжалигидан унинг фой-дасига 99 минг 885 сўм ун-диришга муваффақ бўлинди. Ёки Оқдарё туманидаги «Ян-гикўрган» жамоа ҳўжалиги ҳисобидан «Қаҳрамон» фер-мер ҳўжалиги фойдасига 3067.705 сўмлик асосий қарз, 1533852 сўмлик пеня ва 437 минг 129 сўмлик жа-рима ундириш ҳақидаги даъ-во аризаси ҳўжалик суди то-монидан қаноатлантирилди.

«Зирабулоқ пахта» акция-дорлик жамияти бошқаруви раиси И. Қўлдошев фермер ҳўжаликлари билан тўғри-дан-тўғри шартнома тузиш-ни рад этган. Нега? Фермер мустақил ҳўқуқий муносаба-тага кириши, шартнома имзо-лаши мумкин-ку. Адлия бошқармасининг ёзма оғоҳ-лантиришидан сўнг «Зирабу-лоқ пахта» раҳбари фермер-ларнинг кўрағидан итар-майдиган бўлди. Бундай ми-солларни қўлаб келтириш мумкин.

— Қўчқор Тоғаевич, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги-дан қимлар кўпроқ азият чекапти?

— Оилавий пудратчилар! Улар озчилик эмас. Вилоят-даги барча ширкат ҳўжалик-

ларининг асосий бўғини ҳисобланади. Шунга қарамай ўз манфаатларини дуруст ҳимоя қилишолмай-ди.

— Нега? Ахир улар кўпчилик бўлишса...

— Гап шундаки, улар ҳўжа-ликка ипсиз боғлаб қўйил-ган. Банкда ўз ҳисоб рақам-лари йўқ, мустақил юридик шахс эмас. Фондларни, ўғитни, техникани фақат ҳўжалик орқали олишади. Тўғри, улар ҳам ширкат би-лан шартнома тузишади. Аммо шартнома бирёклама, фақат ҳўжалик фойдасига. Пудратчи шартнома мажбу-риятларига амал қилишни ширкат раҳбаридан талаб қилишга ботинолмайди. Акс ҳолда, у пудратчидан сўнгги илнжи — ерни тортиб олиб қўйиши мумкин.

— Демак, пудратчи ширкат раҳбарининг адо-латсизлигига тишини-тиш-га қўйиб чидаши керак экан-да...

— Зиҳор. Юқорида таъ-кидлаганимдек, шартномани бажаришда гирромлик аниқ-лаганда пудратчининг номи-дан унинг манфаатларини биз ҳимоя қилиб чиқамиз. Масалан, Пайариқ туман «Чураш» ширкат ҳўжалиги пудратчиси Р. Саидов ман-фаатларини қўлаб ҳўжалик-ка режадагидан ортиқча топ-ширган 1532 килограмм буг-дойи учун бозор нарҳида 130 минг 220 сўм, Оқдарё туман «Гулистон» ширкат ҳўжалигидан пудратчи И. Эгамбердиевага 1800 кило-грамм дон учун 153 минг сўм ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

— Ширкат раҳбари ҳўжалик ҳисобидан бозор нарҳларида қарзларни қайтарса, пеня, жари-ма тўлайверса, ҳисоб-китоблар оғирлашиб қол-майди?

— Ҳа яшанг. Энди асл

муддаога яқинлашдик. Ширкатга раҳбар танлаш-да хатога йўл қўймаслик керак. Ишни пухта юрита-оладиган, ҳам ҳўқуқий са-водхон раҳбар бугун сув ва ҳаводек зарур. Ва, яна шуни эслатиб қўйишимиз лозим. Бундан буён шарт-нома мажбуриятларининг бажарилмаслиги оқибати-да суд қарори билан тула-надиган жарималар ва ет-казилган маънавий зарар аввалгидек ҳўжалик ҳис-обидан эмас, айбдор раҳ-бар шахслар қўнғатагидан ундирилиди. Каттақўрган туманидаги «Буюктурон» ширкат ҳўжалигининг со-бик раиси М. Саидов даъ-вогар Н. Шамсиевга етқа-зилган маънавий зарари учун 100 минг сўм тўлаши суд томонидан қонуний-лаштирилганлиги бунга мисол бўлади.

— Ҳар қалай бугунги суҳбатдан асосий ҳуло-сага тўхталаск.

— Шартнома шартлари-ни ишлаб чиқиш ва ижро-сини таъминлашда ҳўқуқшунослар иштирокини қўлайитириш ва юридик хизмат тизимини қайта кўриб чиқиш керак. Афсу-ски, қишлоқ ҳўжалиги субъектларида ҳўқуқшунос вазифалари қўпчина буш қолиб келмоқда ва очиги аксарият раҳбарлар бу-ишга совуққонлик билан иккинчи даражали юмш сифатида қарашмоқда. Шартнома мажбуриятлари-га нисбатан интизомсизлик иқтисодий тизимнинг ум-вий заңдорини заңфлаш-тириб қўйишни унутмай-лик. Ва яна, қишлоқ ҳўжа-лигида бугуннинг раҳбари адолатли, истиқболни кўра оладиган, билимдон кадр бўлиб халққа қайишсин.

Суҳбатдош: Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз муҳбири.

НУРАФШОН ЙЎЛ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва «Адолат» газетаси — 6 ёшда

Бундан роппа-роса олти йил аввал, аниқроғи, 1995 йилнинг 18 февра-лида Ўзбекистоннинг сиё-сий ҳаётида яна бир му-ҳим воқеа рўй берди: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил топди. Қўпчиликнинг хайратини оширган бу янгиликни қимматдор олқишлаб, қимматдор эса шунчаки бир воқеа сифатида қар-ши олди. Шунча партия фаолият кўрсатиб турган пайтда буниси нима ҳам қилиб бера оларди, дегу-чилар ҳам бўлди. Аммо улар бугун янгилаш-тирилган, янги партия-нинг жамиятимизда ун-диган ўрнини тўғри ба-ҳо-лай олмаганликларини чин дилдан ҳис этмоқда-лар.

Партия Ўзбекистондаги янги сиёсий куч сифати-да «Адолат» номи билан майдонга чиқди. Унинг олти йиллик тарихи ҳали унчалик катта воқеа бўлма-са-да, босиб ўтган ўзига хос йўли салмоқли-дир. Партиянинг «Адолат» деб номланишидан мақ-сад шуки, у аввало жа-мийатимизда адолат мезо-нини бузилишига қарши иш олиб боради. Биз шун-чаки демократик жамият эмас, ҳўқуқий демократи-к, оқил жамият қурмоқчи-миз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз-нинг муҳим фазилатлари-дан биридир. Шарқ мута-факкирлари ижтимоий адолатни ҳақиқатнинг асо-сий мезони деб билган-лар. Умуман адолат жа-мийатнинг барқарорлигини таъминловчи ҳўқуқий ту-шунчага айланган.

Ўтган олти йил «Адо-лат» СДПнинг ташкилий жиҳатдан узини ростилаб, танилишида, одамлар меҳри ва ишончини қозо-нишида муҳим давр бўлди. Унинг сабига далолат берилаётган 6 минг нафар аъзонинг

сафлари кенгайиб, бугунги кунда 40 минг нафардан ор-тиб кетди. Ўз навбатида партияга хайрихоҳлар, қи-ювчилар ҳам қўшади. Ўтган даврнинг яна бир муҳим то-мони партия учун ўзига хос чиқиши даври бўлганлиги-дадир. Партия илк бор мам-лакат парламентида ва Ўзе-бекистон Республикаси Прези-дентлигида бўлиб ўтган сай-ловларда иштирок этди. Мамлакатимиз парламенти-да партиянинг 11 нафар де-путатидан иборат фракция-

си вужудга келди. Шу билан биргаликда чет эллардаги сиёсий партиялар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айниса, Германиянинг со-циал-демократик партияси вакиллари бир неча бор Ўзбекистонда бўлишиб, партиянинг мақсад ва вазифалари, унга дахлдор ишлар билан танишдилар. Хуллас, айтиверсак гап кўп. Энг му-ҳими, мақсад ва манфаат-ларнинг муштараклиги йўли-да, Ўзбекистоннинг ютуқла-рини бойитиш, унинг дову-рини эллар аро янада оши-риш борасида ҳар бир партия аъзосидан тортиб партия Сийёсий Кенгашининг қотибигача сидқидилдан ишлаётганлиги.

«Адолат» газетаси ҳам партия ҳаётининг ҳамма жи-ҳатларини изчил ёритиш би-лан биргаликда мамлакат-мизда рўй бераётган ижти-моий-сиёсий, маданий-маъ-рифий ва ҳўқуқий ислохот-ларни мунтазам тарғиб этиб келмоқда. Ўтган йиллар мо-байнида газета саҳифалари-

гини эллар аро янада оши-риш борасида ҳар бир партия аъзосидан тортиб партия Сийёсий Кенгашининг қотибигача сидқидилдан ишлаётганлиги.

«Адолат» газетаси ҳам партия ҳаётининг ҳамма жи-ҳатларини изчил ёритиш би-лан биргаликда мамлакат-мизда рўй бераётган ижти-моий-сиёсий, маданий-маъ-рифий ва ҳўқуқий ислохот-ларни мунтазам тарғиб этиб келмоқда. Ўтган йиллар мо-байнида газета саҳифалари-

да ёритилган кўлаб мақо-лалар эл оғзига тушди. Шу билан биргаликда қатор хамюртларимизнинг ўз ҳақ-ҳўқуқларини тиклаши-да, адолатли қарор топи-ришда қўмақлашди. Ко-лаверса, қўлаб шиқоят хатлари ва аризалар мута-биди ташкилотлар эъти-борига ҳавола этилиб, ихобий ҳал қилинди.

Газета жамоаси ҳали ёш. У энди бор-йўғи 6 йил-лик йўлни босиб ўтди. Аммо ҳар бир йил ихобий жамоа ҳаётида мустаҳкам из қолдириди. Жамоа аъ-золари ўтган йилларда «Йил-нинг энг яхши журналисти» танловига қатнашиб, фахрли ўринларни эгал-лашди. 1998 йили «Адолат» жамоатчиликл томонидан «Йилнинг энг дадил газе-таси» сифатида тан олин-ди. Ўтган йили эса газе-тинг истиёболли ҳодимла-ридан бири «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жўрна-лист» фахрий унвонига эга бўлди.

Олдинда эса қилинади-ган ишлар, муҳим вазифа-лар турибди. Уларнинг ҳар бири газетанинг ижодий жамоасига улкан масъу-лият қўлади. Ўзбекистон-мизда амалга оширилаёт-ган ислохотларни чуқур таҳлил қилиш, рўй бе-раётган воқеа-ҳодисалар-га ўз муносабатини очик-ойдин билдириш, ютуқ ва камчиликларни ҳолисона ёритиш, жойларда қонун бузилишларига, жиноятчи-ликка қарши курашиш, иж-тимоий адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳўқуқларини қонуний ҳимоя қилиш газета ижо-дий жамоасининг юксак бурчига айланган.

ПАРТИЯ ВА ГАЗЕТА. Бугун бу ҳақда ҳар ким ўзига яраша тушунада эга. Аммо уларнинг бири-бири-ни тўлдириб, бир-бири-ни рағбатлантиришни бил-ганларгина билади. Бу ну-рафшон йўл эса жонахон Ўзбекистонимизнинг буюк қалажигига элтувчи йўл би-лан туташиб кетган.





2001 йил — Оналар ва болалар йили

ОРАМИЗДАГИ АЁЛЛАР

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Алпомиш»нинг минг йиллиги тантанаси дақиқалари эди. Минбарда даставвал юртбошимиз самимий нутқ сўзлади, сўнг замонамизнинг Алпомишлария-Барчинойларига сўз берилди. Ҳозир Эйтиборхон билан суҳбатлашар эканман, ўша минбарда қалбидигиларни тўкиб сўзлаган нозик, шоира табии аёл кўз ўнгимда намоён бўлди. Минбарда янграган жўшқин сатрларни эсладим.



Назар Болтаевга юзланиб қўшиб қўйдим. — Боланинг бош миёси чап томонда яллагани бор. Бирдан-бир йўл операция орқали жароҳатга малҳам бўлишидир. Назар Саидович Эйтиборхоннинг тахминларига ўрганиб қолган. Бу тахминлар ҳақиқий тахминга айланиб кетарди.

Очерк

Бугун ҳам тахминлар шундай кечди. Операция тўрт соат давом этди. Ҳафли томони йиринг қонга сўрила бошлади. Мухими, қулоқ орқали йирингланган ўсимтани тозалаб, бош миёнига орқа қисмига келтирилган жароҳатни олди олинди.

У операциядан чарчаб чиқди. Диванга ўтираркан кўзларини шифта қадади. Кўз ўнгиде жўшқин талабалик йиллари бирма-бир ўта бошлади. Устозлари, академик Турғунпўлат Даминов, профессорлар Акрам Мўминов, Абдурахмон Ҳакимовларнинг ўғитларини ҳаёдан ўзича такрорларди.

«Ҳаётда содир этилган ҳатоларнинг ичиде ўқитувчилар, врачнинг, судьянинг ҳатосини авф этиб бўлмайди. Чунки унинг ортида инсон тақдирини ётади. Ана шу уч тоифадаги мутахассис олдиде жуда муҳим масъулият туради. Бунга бефарқ бўлган киши одамлар қарғишга қолади. Қарғиш эса ҳаммасидан ҳам даҳшатлидир... Устозлари Эйтиборхонни шаҳардаги клиникада қолиб ишлашига тақлиф этишди. Бу тақлифнинг унинг кас-

бига бўлган муҳаббатини оширди... Шундай қилиб у 1981—1983 йиллар 2-ТошМИ-да қулоқ-бурун ва томоқ бўлимида ишлади...

Кишлоқда ўсган бола қишлоққа талпинар экан. Дунё асли ёш боладай, доим ёшлигича қолаверади. Лекин, одам боласи ёшлигини ҳаётида бир мартагина, баҳор ёмғиридек бир дақиқада ўтказди. До-нишмандлар ҳаётини «бир дақиқалик бекатга» ўхшатганлар. Вақти соати етиб келганида неча йил яшаганини, нима-маларга улгуролмаганини билмай ҳам қоларкансан. Ҳаётда қандай ном қолдирганини ҳисобига тушасан. Яхши ном эса умрининг ҳайка-ли. Бундай эзгу ишнинг кам-дан-кам кишилари қадрига етди.

Кунлардан бир кун у Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига таширф буюриб қолди. Ушанда бош-қарма раҳбарларидан бири:

— Эйтиборхон, ўзимиздан чиққансиз. Сизнинг таъриф-гизни эшитганмиз. Бизга ёрдам қилсангиз. Музробод туман касалхонадаги сиздек мутахассислар ҳаёдек зарур. «Хўп!» — дея қолинг. У ёғини бизга қўйиб беринг. Шароитдан ўқсмайсиз, — деб қолди.

Эйтиборхон розилик берди. У эри Хуррам Худойкуловга бу ҳақда маслаҳат солди...

Шундай қилиб беш йил Музробод туманида жарроҳ-лик қилиб эл назарига тушди.

Узбекилимиз ўзгача-да. Аксарият йигитларимиз ўйлан-гач жуфтчини юртига тортади. Баъзилар иккювликни хуш қўришади... Хуррам Худойкулов хотинига Деновга қўчиб ўттишни тақлиф қилиб қолди.

— Эйтиборхон, Деновда отамдан қолган қорбоғ бор. Обод қилайлик. Қаранг, ёшли-гимиз ҳам мисоли қушдек учиб қанчадан-қанча манзил-ларни ортада қолдирди. Болаларимиз ҳам уч нафар. Худо хоҳласа, ниятлар қўп...

Эйтиборхон Хўжаева шу кунларда Сурхондарё вилоя-ти Денов шаҳридаги касалхонада раҳбар. Касалхона замо-

навий типда қурилган бўлиб, комплекс бўлимлари янги техника анжомлари билан жиҳозланган. Мазкур маскан ҳар жиҳатдан вилоятда фахрли ўринда туради.

Бу ерга чет эллик тиб-биёт ходимлари ҳам тез-тез таширф буюриб туришар-кан. 1997 йилнинг қузида

Американинг танилган ши-фоҳоналаридан бирининг раҳбари Келди хоним ва бош мутахассис Маша хо-нимлар касалхонадаги жа-равенлар билан танишар-кан хурсанд бўлишиб, касбдошларига ўзларининг маслаҳатларини беришди.

1998 йилнинг 10 нояб-рида ҳукуматимиз томони-дан «Тиббиётни 2005 йил-гача ислоҳ қилишнинг дав-лат дастури» тўғрисида қарор қабул қилинди. Ана шу қарорнинг ижроси ҳақида Эйтиборхондан сўра-дик.

— Бу давр талаби. Маз-кур дастур асосида иш ре-жасига эгамиз. Шунга асо-сан 2000 йилда ўн беш фо-изли пулли хизмат жорий этдик. Бу ўз натижасини берди. Даромад ҳам олдиқ. Бу тиббиётни ривожланти-ришга сарфланди.

Муктарам Президентимиз Конституциямизнинг саккиз йиллиги муносабати билан 2001 йилни «Оналар ва бо-лалар йили» деб эълон қил-дилар. Юртбошимиз таъкид-лаганларидек, улгуролмаган ишларимизга янги асрининг илк йилларида албатта эри-шамиз. Бунга сираям шубҳа йўқ.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урдик. Ёш оналар мактабни ташкил этиб, унда она сутининг аҳамия-ти, ҳомиладорлик, бир ёшгача бўлган болалар, она ва бола саломатлиги хусу-сида дарслар ўтказилмоқ-да...

Инсон ўзи кашф этган ишнинг мағзини қақаркан умрини нечоғли хайрли иш-лар билан беэа бораётга-нини англайверади.

Турсун МАҲМАДИЕВ,
«Адолат» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

XXI АСРДА НЕФТЬ ЕТАДИМИ?

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИ ЗАҲИРАЛАРИ

— Етади,— дейишмоқ-да олим ва мутахассис-лар. Уларнинг маълумот беришларича, бундан росо 100 йил муқаддам

жаҳонда 21,2 миллион тонна нефть қазиб олин-ган. Шунинг 52,7 фоизи Россия империяси — Боку атрофида қазиб олинган. Аслида бензин билан юрадиган автомо-биллар яратилиб, Эрон-да 1908 йилда «Масжи-ди Сулаймония» деган

жойда биринчи йирик кон очилиши нефть қазиб олиш истиқболларини белгилаб берди.

Кейинги 50 йил мобай-нида нефть конлари шу даражада кўп топилдики, энди одамларни ушбу ёнлиг заҳиралари қан-ча, у яна неча йилга ети-ши мумкин деган савол сурслари бу ўзига хос та-қизиктира бошлади. Рос-сиядаги «Зарубеж» — ге-ология илмий-тадиқот институти» акциядорлик жамияти олимларининг фикрларига қараганда, жаҳондаги нефть заҳира-лари микдори 486 мил-лиард тоннани ташкил этади. Шунинг 121 мил-лиард тоннаси қазиб олинган. 160 миллиард

БУШНИНГ ҲАРБИЙ РЕЖАСИ

Яқинда Президент этиб сайланган Жорж Буш, ўзининг дастлабки нутқлари-дан биринчи, ракета-дан мудофаа тизими АҚШ учун қатъий ва стратегик аҳамиятга эга экани-га ургу бериб ўтган эди.



Президент ташки сийсат борасида ўзига хос қарашларга эга. Мутахас-сисларнинг фикрича, у мамлакат ҳимояси учун ўзига хос ҳалқлар яратиш гоёсини рўёбга чиқармоқ-чи. Биринчи ҳалқа фа-қат АҚШнинг худудий хав-фсизлигини таъминлайди. Иккинчи ҳалқа эса унинг яқин қўшнлари — Канада ва Мексикани ўз ичига олади. Энг катта саналган учинчи ҳалқада эса АҚШ-нинг иттифокдошлари бўлмиш Фарбий Европа давлатлари ва Япония хавфсизлиги таъминлана-ди. Фақат шундан кейин-гина, АҚШ Президенти Россия ва Хитой мамур-лари билан биргаликда ҳалқаро хавфсизлиқнинг нозик масалаларини муҳо-кама қилиши мумкин.

УРУШЛАР ВА БАҲОЛАР

1970 йилда 1 баррель нефть (159 литр) 1,8 АҚШ долларига сотилган. 1973 йилда Миср ва Сурия Исроилга ҳужум қил-ди. АҚШ Исроилга ҳарбий ёрдам қўрсатди. Бунга жа-вобан Саудия Арабистони ва бошқа араб давлатла-ри Америка ҳамда бошқа бир қатор мамлакатларга нефть сотмай қўйди. Нефть биржаларида гала-говур кучайиб кетди. Чун-ки 1 баррель бензиннинг ба-ҳоси 22 долларгача кўта-рилганда-ди! Шунда ОПЕКка аъзо давлатлар 1 баррель нефть баҳосини 11,335 доллар қилиб бел-гилашга қарор қилдилар. Кейинчалик унинг баҳоси йилга 3—4 фоиз ошиб борди.

Айни пайтда Яқин Шарқда кескинлик тобора кучайиб бормоқда. Шу са-бабли нефтни эҳтиёждан ор-тиқча сотиб олишмоқда. Натжида ҳозир 1 баррель нефть баҳоси 28 АҚШ долларига сотилипти.



Осмонпар бинолар булутларга туташар...

Кўшилларимиз ҳаётидан

ҚИРГИЗИСТОН

● Бир неча мамлакат альпинист-лари Қирғизистонда тоғ қўққилари-га кўтарилиб сайёҳлик йилини оч-дилар.

Қирғизистоннинг сайёҳлик, спорт, ёшлар сийсати бўйича Дав-лат агентлиги раиси Окматбек Ал-макучуковнинг маълум қилишича, ҳозирда бир неча мамлакатларнинг терма жамоалари, хусусан Грузия, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзе-бекистон альпинистлари учта қўққини ишғол қилиш мақсадида 3200 метр тепаликдаги қўналгадан старт ол-дилар. Бу ердан траасса альпини-стлар 40 килограмм оғирликдаги юк билан чиқадилар.

КОЗОФИСТОН

● Қозғистон парламенти икти-содий ислохот ва худудий ривож-ланиш қўмитаси ишчи гуруҳи «Ти-жорат сири тўғрисида»ги қонун му-ҳокамасини яқунлади. Мунозаралар давомида «тижорат сири» эгаси, «тижорат сири» грифи, «тижорат си-рини олишининг ноқонуний усулла-ри» каби янги тушунарлар ушбу ҳуж-жатга киритилди. Махлис матбуот хизматидан хабар беришларига қараганда, тижорат сири объектла-ри белгиланган моддалар айниқса жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Экология ва табиатдан фой-даланиш масалалари бўйича қўми-та тақлифига қўра, қўшимча объек-

ТУРКМАНИСТОН

● «Итера» ҳалқаро компаниялар гуруҳи Туркменистон билан 10 миллиард кубо-метрлик табиий газ олиш учун шартно-ма имзолади.

Табиий газни Россияга етказиб бе-риш шартномаси Ашхободда имзолан-ди. Келишилган шартнома бўйича бу йил Россия Федерациясига 10 миллиард кубо-метр газ жўнатилади. Бир неча йил-лардан буён Туркменистондан газ олаёт-гани сабабли, Россия томонидан шарт-номани «Итера» ҳалқаро компания-лар гуруҳи имзолади. Бундан ташқари у Украинага туркман газини етказиб бе-риш бўйича оператор ҳисобланади.

ТОЖИКИСТОН

● Тожикистон Давлат статисти-ка қўмитасидан маълум қилишля-рича, республикада ялпи маҳсуот ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йил январидигача қараганда 2001 йил-нинг худди шу ойида 9,1 фоизга ошди. Мутахассисларнинг изоҳлашича, ялпи маҳсуот ишлаб чиқариш ҳаж-мининг саноат моллари чиқариш микдоридан камлиги ундан бошқа маҳсулотлар чиқариш учун кетган ҳаражатлар олиб ташланганлигига боғлиқдир.

«Туркистон-пресс».

Эҳтиром

ОДАМ БОРКИ, ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИДИР

Бу воқеага 35 йил бўлди. Май ойининг бошлари эди. Каттакўрғон шаҳар ва туман рўномаси тахри-риятда эндиғина иш бошлаган пайтларим. Тахри-риятда навабчилик қилиб турганимда, телефон бе-хосдан жингиллаб қолди. Гўшагини кўтардим.

— Алло, Каттакўрғон редакциясиданми? — жаранг-дор овоз эшитилди узоқдан. — Ҳа, тахририят ходими эшитди! — Тошкентдан, Холбек Ёдгоровман. Раҳимжон Сат-торовнинг 50 йиллигини нишонлаш ниятида бур гуруҳ ижодкор дўстларим билан Каттакўрғонга боряман. Илтимос шу хабарни у кишига етказиб қўйсангиз.

Навабчиликни тугатиб, Раҳимжон Сатторовнинг уйига ўтдим. Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай, у киши ижод қилиш билан машғул экан. Холбек Ёдго-ровни хабарини етказганимда, дўстлари таширфини эшитиб, Раҳимжон аканинг кўзларида севинч пор-ладди.

— Холбек Ёдгоров талабалик йилларим-даги дўстим, — деди у қувончини қалбига сиғдираолмай, — дарвоқе, у киши ҳақида эшитганмисиз? Мен Холбек Ёдгоровни машҳур журна-лист, тархжоним, айни пайтда республика (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўномаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари эканлигини, у кишининг катта-катта ма-қола ва очеркларини ўқиб бораётганимни айтдим.

— Холбек Ёдгоровнинг қалами Катта-қўрғонда қайралди. Нафақат у кишининг, балки, — ҳажжонли сўзини давом эттирди Раҳимжон ака. — Аҳмад Исмоилов, Солиқ Отажонов сингари устоз журналистлар ҳам дастлабки ижодий фаолиятини Кат-такўрғонимиздан бошлаган. Улар билан ўзимиздаги педагогика билим юртида бирга тахсил олгандик. 30 йилларда ша-ҳримизда ана шу ижодкор дўстларимиз бил-лан биргаликда адабий уюшма ташкил та-диқ. Уюшмада ижодий муҳокамалар, ба-дий кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар бўлиб турарди. Уша йиллари биз ёш қаламкашлар Каттакўрғон адабий муҳитини ўрганиш соҳасида бир қатор ёш қаламкашлар Каттакўрғон адабий муҳи-тини ўрганиш соҳасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширдик. Мухаммад Ша-риф Шавқий, Мухаммад Очқиди Мирий, Дилавор, Абдуқодир Нокис сингари клас-сик шоирларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятларини ўрганиб, махаллий мат-буот саҳифаларида чиқишлар қилардик...

Уша тун Раҳимжон ака билан Каттакў-рғон адабий муҳити ва матбуот тарихи ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Ушанда Раҳим-жон ака ёшлиғиданқад адабиётга ва жур-налистикага меҳр қўйганлиги, унинг 1935 йилда «Ўзбекистон» давлат нашриёти то-монидан қатор тўпламларда китобхонлар қалбига ҳажжон йўтуғучи шеърлари бо-силганидан хабардор бўлдим. Эртаси кун ишлар ва туман жамоатчилиги иштироки-да Раҳимжон Сатторовнинг қўлуг 50 йил-лиги кечаси кенг нишонланди. Яъни бу кун Каттакўрғонда адабиёт ва матбуот байрамига айланди.

— Бугун эса Раҳимжон Сатторов 85 ёшга қадам қўймоқда. Бирок, унинг ҳали ҳам қўлқон ҳаракатларини кўрган киши бунга ишонмайди. Раҳимжон Сатторов ҳар кун ишлар қўлқонлари яёв кезади. Уни гоҳ ша-ҳар ва туман редакциялари жамоаси бил-лан, гоҳ театр санаткорлари даврасида

ижодий гурунг қилиб тур-ганини кўрасиз. Кўзларида нур, чехрасида самимий-лик барқ уриб турган ижод-кор отахон бугунги муста-қиллигимиз, истиқлолимиз шабадасидан тўйиб-тўйиб нафас олганча ўзини беҳад бахтиёр, мамнун ҳис эта-ди.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар ҳам, — дейди у доимо ёш ижод-корлар билан бўлган суҳ-батларида, — собиқ итти-фок даврида не-не воқеа-ларни, машаққатли кунлар-ни бошимиздан кечирма-дик. Миллий ғоямизни, миллий мафкурамизни ўз асарларида тарғиб этган Абдулла Қоди-рий, Фитрат, Чўлпон каби забардаст ижодкорларимиз ўша қизил империя даврида қатағонга ушқирдилар...

Дарвоқе, Раҳимжон Сатторов кўпни кўрган, бугунги истиқлолимиз учун жо-нини қурбон этган фидойи инсонлар дав-расида бўлган фахрий ижодкорлардан йиридир. Унинг босиб ўтган машаққат-ли ҳаёт йўли эса ибратга лойиқ. Раҳим-жон Сатторов эндиғина эсини таниган пайтда ота-онасидан айрилди. Уша йилларда турмуш кечириб ниҳоятда оғир эди. Халқ бағоят ёшга етмасиданқад ўзини меҳнатга урди. Топган пуллага уст-бош қилиш ўрнига адабий асарлар сот-тиб оларди. Бадиий китоблар, ундаги қаҳрамонлар Раҳимжон аканинг бирдан бир овунчоғига, ҳамдарди ва маслаха-тошга айланиб қолди. Айниқса, у Ўзбек ҳалқининг даҳо шоири Алишер Навоий-нинг ғазалларини кўп мутлоа қилди. Классик адабиётларни тинимсиз ўқиш, изланиш уни ижод гулшанига етказди. Ватанпарварлик руҳида битилган асар-лардан илҳом олган Раҳимжон Сатторов ижод йўлини танлади. Унинг дастлабки шеърлари вилоят «Зарафшон» рўномаси-да chop этилди. Хайр Олимжон, Абдул-ҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий, Аб-дуқодир Нокис, Мамарасул Бобоев син-гари таниқли шоирлар Раҳимжон Сатто-ровнинг ижодидаги яхши баҳо беришди.

Эндиликда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, сермахсул ижодкор, иқтидорли журналист, хассос шоир Ра-ҳимжон Сатторовга ҳавасмис қелади. Негаки, у киши тинимсиз ижод қилади, янги-янги мавзулар устида изланади. Хозирга қадар устоз 10 га яқин асарлар яратиб қўйди. Унинг «Жасорат», «Қурол-дошларим мадҳи», «Солдат кассаси», «Қалб нидоси», «Ҳаёт қўшиғи», «Меҳр» сингари тўпламлари ўқувчилар қўлидан сира тушмайди. «Тундаги фожиа» саҳна асари эса ҳамон театр томошабинлари-да катта таассурот қолдиримоқда.

Раҳимжон Сатторов 85-баҳор гулла-рини дасталаётган бўлишига қарамай, ўзини ижод гулшанидан четлаштиргани йўқ. У мустақиллигимизнинг шарофати ҳақида, янги ХХI асрининг нурафшон кун-лари тўғрисида ижод қилмоқда.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.



ЯРИМ АСР АЙРИЛИҚДАН СЎНГ...

Германия ҳукумати томонидан Иккинчи Жаҳон уруши даврида, Германияга мажбурий меҳнатга олиб кетилган Ўзбекистон фуқароларига, шунинг-дек, қондоқларлар ва геттоларда тутиқиликда бўлган юртдошларимизга тоvon пули сифатида 270 мингдан зиёд доймарка ажратилди. Айни пайтда ушбу маблағларни ўз эгаларига топириши ишля-ри давом этмоқда. Жабр қўрган фуқаро қайси дав-лат худудидан мажбурий ишларга жўнатилганига қараб шу йилнинг 17 мартгача Россия, Белорус-сия ва Украинада фаолият кўрсатаётган Узаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳалик жамғармасининг бўлимларига ариза беришлари лозим. Қизил Яри-мой Жамиятининг Кидирув хизмати фаолиятига ба-ғишланган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирли-ги вакили Нина Тўрабоева бу ҳақда маълум қилди.

— Товон пулларини тўлаш тартибига ўзгартиришлар киритилди, — деди Н. Тўра-боева. — Эндиликда 1999 йил 15 февралдан кейин оламдан ўтган собиқ ту-тқунларнинг яқин қариндош-лари (турмуш ўртоғи, фар-зандлари) ёки қонуний во-рислари ҳам зарур ҳужжат-лар тақдим этилганидан сўнг тоvon пулини олишля-ри мумкин бўлади. Бирок ҳарбий асирлар ва уларнинг қариндошлари бундан мустасно, — таъкид-лади у. — Айни пайтда ва-зирликда фуқароларнинг ҳужжатларини расмийлаш-тириш, уларга маслаҳат хиз-

матларини кўрсатиш бўйи-ча фаол иш олиб бориля-тир. Учрашув иштирокчилар, ҳужжатдан, турли архивлар, жамоат ташкилотлари, ом-мавий ахборот воситалари-нинг вакиллари Ўзбекистон-да 1992 йилдан буён иш-юртаётган Кидирув хизма-тининг фаолияти билан та-нишилдилар. Кидирув хизма-тининг раҳбари Лариса Ан-тонованинг қайд этишича, бир неча йил икки ўз яқин-ларини топиш ёки улар тўғрисида бирор маълумот-га эга бўлишда мазкур му-ассаса ходимлари излаб одамларга ёрдам беришган.

ЙЎЛЛАРДА ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизни дунё давлатлари билан боғлаш учун янги магистраллар қуришмоқда. Ана шундай автомобиль йўлларида бири энг замонавий талабларга жавоб бера оладиган «Андижон-Тошкент-Нур-Кўнгрот» магистраллири. Бундан ташқари республикамизнинг қатор йўлларида қайта таъмирлаш ишлари аниқлаштирилди, улар жакон андозлари даражасига келтирилмоқда. Шаҳар йўлларида амалга оширилган ўзгаришларга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бир сўз билан айтганда, автомобиль йўлларида фойдаланиш кўрсаткичлари яхшиланимқда.

Йўлларимизда ҳаракатни хавфсиз ва самарали ташкил этиш меъёри ҳужжатларини тақомиллаштириш масаласини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Йўл ҳаракатини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг асоси Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонундир. Мураккаб йўл ҳаракатининг барча жараёнларини ўзидан акс эттира оладиган ҳар томонлама илмий асосланган йўл ҳаракати қоидаларини юрида таъкидлаб ўтилган қонунга мос равишда ишлаб чиқиш зарурати сабаби ҳам айнан шунда эди. Зеро, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда Давлат тизини ҳам меъёрий ҳужжатларга таяниши лозим. Шу сабабдан 2000 йилнинг 11 декабрыда Вазирлар Маҳкамаси 472-сонли қарорига мувофиқ янги таҳрирдagi «Йўл ҳаракати қоидалари» тасдиқланди. Бу қоидалар шу йил 1 мартдан қўлга киритилди.

Йўл ҳаракати қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаган бўлса, янги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши бу қоидаларнинг ҳуқуқий мавқеини янада оширди.

Янги таҳрирдagi «Йўл ҳаракати қоидалари» ижтимоий муносабатларни тартибга солишни, бошқарувчи меъёрий ҳужжат бўлиб, жамоа ва фуқаролар фаолиятида маълум масъулиятлар юклайди. Йўл ҳаракати қоидалари барча ҳаракат иштирокчилари учун мўлжалланган бўлгани са-

бабли у тушунарли, содда ва оддий бўлиши зарур. Бу талаб янги таҳрирдagi «Йўл ҳаракати қоидалари»да ўз аксини топган. Шу сабабдан эски қоидалардаги 90 дан ортиқ бандлар қайта таҳрир қилинган, ҳаракат хавфсизлигига бевосита алоқадор бўлмаган, шунингдек бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд

этилган 22 та бандлар чиқариб ташланган. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ижтимоий муносабатларини янада ойдинлаштириш мақсидига 20 га яқин бандлар ва 3 та янги йўл белгиси киритилган.

Хайдовчилар қандай ҳолларда ўз транспорт воситаларидан фойдаланиш учун тибий ва милиция ҳодимларига, милициянинг штатдан ташқари ҳодимларига ва жамоатчи автотранспортчиларга имкон яратиб бериши зарурлигига аниқликлар киритилган.

Йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти пйедалар ишларида бўлаётганлиги учун янги қоидаларда уларга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда катта ҳажмида юк олиб бораётган пйедалар ва ногиронларнинг юргизгичисиз аравасида бораётган шахсларнинг йўлларда ҳаракатланишлари, пйедалар светофорлари бўлмаганда транспорт светофорлари ишораларига амал қилишлари, бундан ташқари йўлларни кесиб ўтишга улгурмаган ва йўлнинг ажратувчи чизигида тўхтаган пйедалар ҳаракатланиш хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан бирга светофор ёки тартибга солинувчининг ишораларига амал қилишлари ҳақида қайта таъкидланган. Қандай ҳолларда йўлларда ҳаракатланиш олиб ташланган ва пйедаларни йўлдан ўтиш тартиблари кенгрок, анкирок ифодаб берилган.

Махсус транспорт восита-

ларининг имтиёзларини таъминлаш учун хайдовчилар, зарур бўлиб қолганда, дарҳол тўхташ имкониятини берадиган даражада ҳаракатланиш тезлигини қайта тегишлари шартлиги таъкидланган.

Светофорлар ва тартибга солинувчи инспекторнинг ишораларини ифодалашда ҳам бир қанча бандлар қайта таҳрир қилинган. Шу билан бир қаторда темир йўл кесимчаларида қўшимча ахборот сифатида товушли ишоралар берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Транспорт воситалари тезликларига қўйилган чеклашлар ҳам янги таҳрирдagi «Йўл ҳаракати қоидалари»да бир-мунча ўзгарган. Энди аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида шаҳарлараро катнайдиган автобус ва микроавтобуслардан ташқари барча автобуслар, тиркамали енгил автомобиллар, мотоцикллар, рухсат этилган тула вази 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларга тегишли соатига 80 километрдан, тиркамали юк автомобиллари тезлиги соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишлари керак. Янги таҳрирдagi қоидаларда тезлик билан бобига барча ҳолатлар битта бобга жамланганлиги хайдовчиларнинг тезлик тўғрисидаги маълумотларни олишига қулайликлар яратди.

Тўхташ жойларида мажбурий тўхтаб қолган хайдовчилар транспорт воситасини бу жойдан олиб кетишининг бар-

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари»ни ўрганамиз

берилган. Қоидалар турар-жай ҳақларидан механик транспорт воситаларини бошқаришни ўргатишни, юргизгич ишлаб турган ҳолда тўхташ, рухсат этилган тула вази 3,5 тоннадан ортиқ юк автомобилларининг махсус ажратилган белги ва чизиклар билан белгиланган жойлардан ташқарида тўхтаб туришларини таъкидлади.

Янги қоидаларда механик транспорт воситаларини шаттақка олиш тартибларига ҳам ўзгаришлар киритилган. Уларга қўра қисман ортқи усули билан бошқаруви ишламаётган транспорт воситаларини шаттақка олишга рухсат берилмайд. Бундан ташқари, янги қоидаларга асосан, тўхташ тизини ишламаётган транспорт воситасининг ҳақиқий вази шаттақка олган транспорт воситасининг ҳақиқий вазининг ярмидан ортиқ бўлган ҳолларда фақат қаттиқ улагич ёрдамида ёки қисман ортқи усули билан шаттақка олишга рухсат этилади.

Бундан буён транспорт воситалари давлат техник қўригидан ўтганлиги тўғрисидаги талонни автомобилнинг олд пешойнасининг ўнг томонидаги юқори бурчагига ўрнатишлари керак.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда транспорт воситаларининг техник ҳолатларини текшириш учун маҳкамани замоний талабларга жавоб бера оладиган қоидалар мажмуи бўлиб қолмасдан, балки бу қоидаларни бажариш имкониятини мавжудлиги, тадбиқ этишининг иқтисодий натижаларини, асосий талаблар даражасида уларга ижодий

сиз қайта жиҳозланган бўлса, улар давлат автомобил нazorati органларининг рухсатсиз миллитовчи чироқ-маёкча ва махсус товушли ишора билан жиҳозланган, қўзғовнинг ён томонида ДАВ билан келишмасдан қўра чиқиб тортилган, қўзда тутилмаган жойларга тегишли рақам белгилари ўрнатишдан, агрегат ва қисмларнинг рақамлари ёки рақам белгилари қўриқмайдиган, қалбаклаштирилган, ўзгаририлган бўлса улардан фойдаланишга рухсат этилмастлиги қўшимча таркисида қайд этилган.

Янги қоидаларда йўл белгилари таърифларига ҳам қатор аниқликлар киритилган. Энг муҳими янги қоидалар билан қўйилган йўл белгилари йўл ҳаракатини ташкил этиш учун киритилган.

— 5.38. «Турар-жай даҳаси». Йўл ҳаракати қоидаларининг турар-жай даҳасида ҳаракатланиш тартиби ўрнатишдан йўл:

— 5.39. «Турар-жай даҳасининг охири».

— 5.40. «Фалокатли ҳолатлар учун кириш йўли». Бу йўл белгиси тик нишабиклардан тузили жойларида тўхташ тизини ишламай қолган транспорт воситалари ўз ҳаракатини тўхташи учун киритилган йўллар тўғрисида хайдовчиларга ахборот беради.

Янги таҳрирдagi «Йўл ҳаракати қоидалари» фақатгина замоний талабларга жавоб бера оладиган қоидалар мажмуи бўлиб қолмасдан, балки бу қоидаларни бажариш имкониятини мавжудлиги, тадбиқ этишининг иқтисодий натижаларини, асосий талаблар даражасида уларга ижодий



ёндашиш мумкинлиги, ўз ҳаракатларида баҳо бериш имкониятини мавжудлиги каби мезонлар нуктаи назарда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатдир.

Янги таҳрирдagi «Йўл ҳаракати қоидалари» аввалги қоидаларга нисбатан анча тақомиллашган ҳолда ҳаракат йўналишларида қулайликлар туғдириши, уларнинг хавфсизлигини янада ошириш нуктаи назардан ишлаб чиқилган. Уни барча ҳаракат катнашчилари томонидан мукамал ўрганиш ва унинг талабларига риоя қилиш, йўллардаги бахтсиз воқеаларнинг олдини олиш учун қаралов бўла олади.

Н. МУХИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикасининг ИИВ Академикси «ХТЭ» кафедраси бошлиги, милиция полковниги, А. СУЛТАЙМОНЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг ИИВ Даргои, таъшиқот бўлими бошлиги, милиция подполковниги.

Дикқат: янгилик!

ОРЗУИНГИЗ АМАЛГА ОШАДИ

Айтайлик сиз машина сотиб олишни орзу қиласиз. Лекин бунинг учун етарлича маблағ йига олмайсиз. Бундай шароитда сизга Тошкент шаҳар Уй-жой ҳамгарма банки ёрдам бериши мумкин.

— Ўтган йилнинг август ойида банкимизда «Орзу» деб номланган ҳамгарма жорий қилинди, — деди банк бўлими бошлиги Эркин Зоҳидов «Туркiston-пресс» муҳбирига. — Ҳозиргача пошта аҳолисидадан бир неча киши бу қулайликдан фойдаланиб «Тик» ва «Дамас» автомашиналарини харид қилиб олишди.

«Орзу» жамғармаси аҳоли учун гоят фойдали. Бу хизмат туридан фақат машина олувчиларини фойдаланишмайди. Фарзандлари шарт-

моқчи бўлган буюмингизнинг ярим нархига тенг бўлган маблағни банкда очилган ўз ҳисоб рақамингизга қўясиз. Жамғармагиз сизга икки томонлама наф келтиради. Бир томондан, сизга ўз вақтида лозим бўлган миқдорда қарз берилади. Мулк эгаси бўласиз. Ёки режанингиздаги тадбирингизни амалга ошириб оласиз. Иккинчи жиҳати эса қарзингизни белгиланган муддатларда тўлаб бўлганнингиздан сўнг ҳисоб рақамингиздаги жамғармагиз ўзингизга қайтариб берилади. У яна йилга беш фоиз фойда ҳам келтиради. Қарз ҳисобига эса банк миқдорда йилга ўн фоиз миқдорда устима ҳақ олади.

Мамлакатимизда истиқлол туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги, муҳтожларга бу иш учун турли даражадаги имтиёзли кредитлар берилаётгани тошкентлик Шерзод Абдуллаевнинг хавасини келтириб юборди. У тадбиркор бўлиш, қўлларда даста-даста пулларни ўйнатишни орзу қилиб қолди. Орзуга айб йўқ. Бироқ у амалга ошиши билан ғўзал. Аксинча, кишини бебурд қилиши, ҳатто жиноят ботқоқига ботириб қўйиши ҳам мумкин. Шерзод эса беповон орзуларининг рўёбга чиқишдан ҳосил бўладиган натижалар ҳақида хомчўт қилверди-ю, аммо иши юришмай қолса, унинг оқибати қандай туғайи ҳақида ўйлаб ҳам қўрмади.

Гардкам дедию, бир айлиниб масъулият чекланган «Шадекс» жамиятининг директори бўлиб олди. Энди у қимсан, мансабдор шахс, қўлда шартномалару буйруқларини тасдиқловчи муҳр бор!

Қаддини ғоз тутган, димдор Шерзод Абдуллаев бу имкониятдан ҳалол мақсадларда эмас, ўзгалар мулкни талаш ва ишончини суиистеъмол қилиб қўйиш учун фойдаланди. У «Когондонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти билан 20 миллион сўмлик (1000 тонна) бугдой етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тўғрисида шунча махсулотни қандай ва қардан топиш ҳақида эмас, балки бунинг учун олинган ҳисоб рақамига тушадиган 5 миллион сўмини ўйлади. Ҳақиқатан ҳам ҳаш-паш дегунча шунча пуллик бўлиб олди.

Бу пул Шерзоднинг баттар шер қилиб юборди. Энди у «Хонқондонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятини қўйиш учун пулларини тўза бошлади. Ниҳоят, икки томонлама шартномани имзолашга эришди. Умумий баҳоси 170 миллион сўмлик бу шартномага қўра Шерзоднинг «Шадекс» корхонаси «Хонқондонмаҳсулот»га 10 минг тонна бугдой етказиб бериши, «Хонқондонмаҳсулот» эса унга олинган 66 миллион 600 минг сўм ўтказиши керак эди. «Хонқондонмаҳсулот» шартномага қўра зиммасига олган мажбуриятни бажарди. Аммо «Шадекс» икки бор 5000 тоннадан бугдой топшириш ўрнига бор-йўғи 1.943,8 тоннагина (33.044.600 сўмлик) топшириб қўйди. «Хонқондонмаҳсулот»нинг қолган пулини қайтариб беришини эса ҳаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, унинг шунча пулини бошқа мақсадларга ишлатиб юбораверди.

Шерзод худди шунчақул билан «Когондонмаҳсулот»га ҳам жами 129.400 килограмм (умумий нархи 2 миллион 588 минг сўм) бугдой етказиб бериб, унинг сўм пулини ўз ихтиёрида олиб қолди, ундан хоҳлаган мақсадлари учун фойдаланаверди.

Абдуллаев бундоқ қараса, корхонаси ҳисоб рақамига тушган пуллар анчагина бўлиб қолибди. Бас шундай экан, «бизнинг» авж олдириш нима қилинган? У автомашиналар савдоси билан шуғулланувчи «Искандар-Т» фирмаси билан қатор шартномалар имзолаб, унинг ҳисоб рақамига 280 миллион 100 минг сўм пул ўтказиб, авазига ўнлаб машиналар олади ва уларни асосан ноқонун йўллар билан бошқа республикаларга «бартер» усулида сотиб юборди. Кейин яна шу фирма билан яна автомашиналар сотиб олиш

Фельетон

ЎЗИ ХОН, ҚЎЛАНКАСИ МАЙДОН

ёҳуд сохта тадбиркор Шерзод Абдуллаевнинг корхоналарини қўйиш учун тузиш, миллионлаб сўмларини ўзлаштиригани ҳусусида

тўлов учун қўйилган бўлса ҳам уни ўндириб бўлмади. Сабаби «Шадекс»нинг ҳисоб рақамига пул йўқ эди!

Ниҳоят, Ш. Абдуллаевнинг эсига «Джун-Я»га молиявий ёрдам таркисида ўтказиб берган пули тушиб қолди. У «Джун-Я» бош директори номига ҳат эзиб, мажмур молиявий ёрдамни Хитойдан олинган моллар билан қайтаришга розилигини билдириб, мурожаат қилди. У бу мурожаатга асосан «Джун-Я»дан жами 9 миллион 999 минг 973 сўмлик тўварларни олиб, уларни «Шадекс»га қирим қилмай ўз манфаатлари учун ўзлаштириб юборди.

Бундан ташқари Ш. Абдуллаев «Шадекс»дан ҳужжалик юритувчи субъектларга ўтказилган жами 35 миллион 679 минг 130 сўм маблағлари учун қирим бўлиши лозим бўлган моддий бойликларини, шунингдек «Шадекс» кичик корхонаси ҳужжалик юритувчи бошқа субъектлардан қирим бўлган 8 миллион 700 минг сўм пул маблағларини ўзлаштириш ва талон-тороқ қилишдан тап торт-

ранс» концерни 3-хиссадорлик автокомбинати фойдасига «Шадекс» ҳисобидан жами бўлиб 12 миллион 364 минг 286 сўм ўндириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. Лекин «Шадекс» ҳисоб рақамига пули йўқлиги сабабли бу пулни ҳам ўндириб беришга илож топилмади.

Яна шунча ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, «Шадекс»нинг аҳоли шу қадар танг бўлган ҳам айбдор Ш. Абдуллаев ҳужжалик судига келмай қочиб юраверди. Тўғри, у ҳужжалик судига мажбуран тутиб келтирилиб, жиний янбоғарликка тортилиши ҳақида бир неча бор оғохлан-тирилди. Бироқ Абдуллаев шундан кейин ҳам суд қарорларига ва ахирларини бажармади. Натижада ҳужжалик суди унинг устидан жиний иш қўзғатиш ҳақида ҳусусий ажрим чиқарди. Кейинроқ эса, Абдуллаевнинг тагин бир қатор жиноятлари маълум бўлган, уларга оид яна иккинчи бор жиноят иши қўзғатилди.

Хар икки жиноят иши юзасидан тергов ишлари ниҳоясига етган эса айбланувчи Шерзод Абдуллаев одил суднинг қора қурсисига ўтказилди. Суд жиноятининг қилмишларини қўқур таҳлил этиб, уни 15 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Табиийки, судланувчининг мол-мулклари ҳам мусодара этилди.

Шунга эмас, ҳукмда ундан даввоарлар — «Когондонмаҳсулот» фойдасига 33 миллион 891 минг 450 сўм, «Терра-Зоди» фирмаси фойдасига 387 минг 158 сўм, 3-сонли Давлат автокомбинати фойдасига 12 миллион 361 минг 286 сўм, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ОТАЖ Собир Раҳимов филиали фойдасига 7 миллион 243 минг 196 сўм, АООТ «Спорт моллари» фойдасига 1 миллион 224 минг сўм, Тошкент шаҳар ҳужжалик суди фойдасига 48 минг 463 сўм, Шахонқонқўра туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига 27 миллион 652 минг 381 сўм, «Индиконсултуржи» мевавазавот» фойдасига 1 миллион 140 минг сўм ўндириш қўзда тутилди. «Нуроний» жамғармаси ҳисобидига «Шадекс»га тегишли бўлган 1,5 миллион сўм эса юқорида қайд этилган зарарларини қоплашга қаратилди. Шунингдек, «Искандар-Т» фирмасига етказилган зарар юзасидан Шерзод Абдуллаевга нисбатан фуқаролик иши қўзғатиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқи қолдирилди.

Бироқ бундай дўппини бошдан олиб қўйиб ўйлаб қурсак, энди ундан фойда борми? Судланувчи зиммасидан шунча қўра қарни ўрининг қолган қисмида узинга қодирми? Шулари ўйларканда, юқорида номлари қайд этилган даввоарларга ҳам қўсан, ҳам қўлансанки. Зеро, қўра қарни бир бор йўқотган, деб бежиз айтмайди. Даввоар, Шерзод Абдуллаевнинг бу «жасорати» бошқа мулкдорларга ҳам сабоқ бўлса, қўларини мошдек очиб қўйса, дурут бўларди. Шундай эмасми, азиз муштарийлар?

Мурод КАЛОНХОН,
«Адолат» муҳбири.

Замондошимиз

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

Милиция ҳодими. Форма кийган бундай кишиларни доим учратамиз. Ҳа, улар ёнимизда, атрофимизда. Аммо уларга унча аҳамият бермаймиз, «милиционер-да» деб қўямиз. Аммо милицияга ишимиз тушганда эса, бу инсонларнинг матонатига, касбига фидойилигига тан бермай иложимиз йўқ. Чунки ўз касбига чин дилдан муҳаббат қўйган, юртини, заминини, унда яшавган кишиларни севганларгина уларни ҳар қандай бало-қазолардан ишончли ҳимоя қила олади.

Исмоилжон Буважонов ҳам касбига меҳр қўйган, эл осойишталигини таъминлашга жон фидо

лиқнинг олдини олиш, жиноятларни очиш, содир этилган жиноятнинг жазосиз қолмаслигини таъминлашга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Чилонзор туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби ҳам, туман жамоатчилиги ҳам Исмоилжон Буважонни ҳурмат қилади.

Умр оқар дарё экан, кечанига оддий милиционер бўлиб юрган Исмоилжон бугун туман ички ишлар бўлими штаби бошлиги, милиция подполковниги, бир неча ўғил-қизларнинг отаси, набираларининг меҳрибон дадажониди. Биз кўпчилик қатори Исмоилжон Буважонгоҳа таваллуд ёшиниғиз муборак бўлсин ва 25 йиллик меҳнат фаолиятиниғиз давомида орттирган касб маҳоратиниғиз, обрў-эътибориниғиз янада юксак бўлсин, деймиз.

Каримжон РИХСИЕВ.

— У йигит: «Агар хотинимни тинч қўймасан, болаб таъзирингни бераман!» деб ёзибди.

— Ундай бўлса, хотини-га тегажоллик қилишни бас қил, вассалом!

— «Бас қил» дейиш оппа-осон. Ахир у йигит ёзилган хатига имзо чекмаган-да.

— Боғни сугориш керак, — деди хотин қатъий оҳангда.

— Ахир, ташқарида челақлаб ёмғир ёғапти-ку, — эътироз билдирди эр.

— Нима қилпти? Ёмғир-пўшингни қийиб ол.

— Моник, менга турмуш-

лариниғиз яхши кийнади-ю, ўзиниғиз юпун-юрасиз?

— Азизим, болаларим ёзувчининг боласи-да, мен эса оддий одамнинг ўғлиман, — деб жавоб берибди ёзувчи.

Бир шоир дўстига мақтанди:

— Китобим ҳали нашрдан чиқмасдан туриб оғизга тушиб кетди.

— Ие, ҳали босмадан чиқмаган китоб қандай қилиб оғизга тушади? — ҳайрон бўлди дўсти.

— Китобимнинг пулини олдим хотинимга келтириб бердим, у тилла тиш қўйдириб олди.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сибсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМОНОВ, А. Ғ. ҒУЛОМАХУМОВ, А. ЖУРАБОВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. ҚИРҒИЗБОВ (булим мудири), Р. АЗИМОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У. Ғ. ЖУРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ.

Мўлоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.

Набатчи — Илхом СИДДИҚОВ
Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚУШОКОВ

Газета Ўзбекистон Республикасини Давлат матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Бюджетга — 2136, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.

Қўғоз Ўзбекистон А-2 Газета ИВМ компьютерда терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун факт муайянлаш жавоб берилади. Қўғазмалар муайянлашга қатъий қарайди.

«Шарқ» напирет — матбаа ахборотчи компанияси босмақонда қўра этилади. Корхона манзили: «Ўқуш Тур» қўчаси, 41.

Басмақон таърифи — 20.00. Басмақон таърифи — 20.00.

НАНШИЛИМ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик қўчаси-32.